



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 19 июль, № 147 (7105)

Пайшанба

Сайтимизга Ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлар қуриш дастурларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда кўп квартирали уйлар қуриш дастурларини самарали амалга ошириш, аҳолининг шинам тураржойга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, фуқароларнинг фаровонлик даражасини янада ошириш ва тураржой шароитларини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Ипотека банк” АТИБ, Халқ банки АТБ, “Асака” АТБ ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг (кейинги ўринларда иштирок этувчи тижорат банклари деб юритилади) 2018 йил 1 июлдан 2020 йил 1 январгача бўлган даврда 20 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр ҳамда биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида ипотека кредитларини:

а) қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш учун уй қурувчиларга дастлабки бадал:

0,02 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилаётган икки, уч, тўрт, беш қаватли кўп квартирали (2 ва 3 хонали) ва 2, 3 хонали бир қаватли арзон уй-жойлар учун — 10 фоиз миқдорида;

0,04 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилаётган икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган арзон уй-жойлар ва 0,06 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилаётган

3, 4 ва 5 хонали арзон уй-жойлар учун — 25 фоиз миқдорида бўлишини назарда тутган ҳолда;

б) шаҳарларда ёш оилаларга, эски уйларда яшовчиларга ва тураржой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларига дастлабки бадалнинг табақалаштирилган миқдорини амалиётга жорий этган ҳолда, арзон кўп квартирали уйларни ўртача 15 фоиз миқдоридаги дастлабки бадал билан сотиб олиш учун бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

иштирок этувчи тижорат банкларининг буюртманомалари бўйича тураржой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар учун арзон уйлар қуриш учун 20 йил муддатга, жумладан, дастлабки 5 йил мобайнида йиллик 3 фоиз ставкали 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ва кейинги даврда иштирок этувчи тижорат банкларининг йиллик 4 фоиз миқдоридаги маржаси чегириб ташланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида, кредит линияси маблағларини Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури доирасида уй-жойлар қуришга мақсадли йўналтирган ҳолда миллий валютада кредит линиялари очсин;

ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартришларни ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ жойларда уй-жойлар қуришни молиялаштириш учун 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат

бюджети маблағлари ҳисобидан қўшимча маблағлар йўналтирсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги:

шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлар қуриш доирасида “Ўзбекистоннинг ипотека бозорини кенгайтириш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича Осиё тараққиёт банки билан бир ой муддатда музокаралар олиб борсин;

Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда аҳоли билан мулоқот натижаларига кўра аниқланган қўшимча уй-жой ҳажмларини шакллантириш якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида қўшимча арзон уй-жойлар ва шаҳарларда кўп квартирали уйлар қуришни молиялаштиришга доир таклифлар киритсин;

2018 йил охиригача ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилишини молиялаштириш соҳасида халқаро молия институтлари (Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси) билан тузилган қарз битимларига ўзгартиришлар киритиш чораларини кўрсин.

4. Кейинчалик “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК” МЧЖнинг йиллик 5 фоиздан юқори бўлмаган ставкаси бўйича кредит линияси очилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ депозитига йиллик 3 фоиз ставка бўйича жорий йил 1 ноябргача жойлаштирилаётган 210 миллиард сўм

миқдоридаги вақтинча бўш маблағлари импорт ёғоч-тахта материаллар ва том ёпиш учун темир листларни харид қилиш манбаи этиб белгилансин.

5. “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК” МЧЖ иштирок этувчи банклар билан биргаликда:

Ислон тараққиёт банкнинг кредит линиялари бўйича “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК” МЧЖ ҳисоб рақамларида жамланган, 2015 — 2017 йилларда шакллантирилган уй қурувчиларнинг дастлабки бадалларини икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтирсин;

ҳар ярим йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига аввал аҳолига ажратилган кредитлар муддатидан олдин қоплангани тўғрисида ахборот киритсин ва вазирлик билан келишган ҳолда ушбу маблағларни уй-жойлар қуришга йўналтирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А. Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж. А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 18 июль

Давлат сиёсатининг устувор йўналиши

Тошкентда БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасидаги ҳамкорлик масалалари бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.

АНЖУМАН

Унда иштирок этиш учун ЮНИСЕФнинг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Афшан Хан Ўзбекистонга ташриф буюрди. Мақсад — 2020 йилгача бўлган даврдаги ўзаро ҳамкорлик йўналишларини, Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича миллий стратегиянинг устувор соҳаларини муҳокама қилиш ва болалар ҳуқуқларини, айниқса, ижтимоий жиҳатдан заиф болаларни ҳимоялаш бўйича биргаликдаги ҳаракатларни аниқлаб олишдир.

Ўзбекистон болалар сони бўйича Марказий Осиёда биринчи ўринда туради, қолаверса, дунёнинг аҳолиси энг ёш давлатларидан биридир. Бугунги кунда мамлакатимиз болалар ва ёшлар ҳуқуқларининг асосий кафолатларини мустаҳкамлашга, бу борада илғор халқаро андозаларни татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига

қўшилган. Ҳозирги кунда ушбу Конвенция талабларини ижро этиш жараёнига ҳукумат, кўплаб вазирликлар жалб қилинган. — Ҳамкорларимиз билан яқин истикболда ўзаро амалга оширилаётган ҳаракатлар дастурини муҳокама қилиш учун йиғилдик, — деди мажлисда сўзга чиққан ЮНИСЕФ минтақавий директори Афшан Хан. — Бир қатор муҳим йўналишлар — соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, болалар ва ёшлар келажақда янада яхшироқ ҳаёт кечириши учун таълимни кучайтириш каби умумий мақсадларимиз бор. Кам таъминланган оилалар, уларга зарур ижтимоий шароитларни яратиш масаласи ҳам алоҳида эътиборимизда. Биз мамлакат Президентини томонидан белгилаб берилган юксак марраларга эришиш йўлида республика ҳукумати ва бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлашга тайёرمىз.

(Давоми 2-бетда) >>>



ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН



Барчамизга яхши маълумки газ, нефть, кўмир каби анъанавий ёқилғи турлари битмас-туганмас эмас. Шу боис сўнгги пайтларда энергетикада муқобил манбалардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиб, соҳанинг ҳуқуқий асослари яратилляпти. Натижада тармоқда ишлаб чиқариш субъектлари кўпайиб бормоқда.

Қуёш нури энергияга айланади

Пойтахтимиздаги “Mir Solar” масъулияти чекланган жамияти шулардан бири бўлиб, бу ерда дастлаб электр жиҳозларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Кейинчалик эса фаолият муқобил энергия қурилмалари, яъни қуёш панелларини ишлаб чиқаришга йўналтирилди. Бу тўғри қарор эди. Чунки қайд этганимизда, ҳозирги кунда бундай жиҳозларга талаб юқори. Қолаверса, у жуда қулай, юртимиз шароитига мос.

— Ўзбекистон — қуёшли ўлка, — дейди корхона директори Зулфия Алимжоновна. — Корхонамизда йилга қарийб 10 миллион ватт қувватга эга қуёш панеллари ишлаб чиқарилмоқда. Марказий Осиё иқлимига мос тарзда тайёрланган ускуналаримизни халқ ҳужалигининг турли

тармоқларида қўллаш мумкин. Масалан, “Suv-10” ускунаси бир кеча-кундузда 500 литргача сувни иситиб бера олади. Оғирлиги эса бор-йўғи 50 килограмм. Мазкур қурилма ўрнатилган субъектда бир квадрат метрга ҳисоблаганда, йилга 214 килограмм шартли ёқилғи, 183 куб метр табиий газ ёки 1684 киловатт соат электр энергияси тежалади. Бу кўпроқ хонадонлар ёки кичик хизмат кўрсатиш шохобчалари учун қўл келади. Шунингдек, артезиан қудуқлардан сув чиқариш тизимида фойдаланиши фермерларга экинларни сўғоришда айлани мудоаодир.

Дилшод УЛУҒМУРДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ



Болалар манфаатларини ҳимоя қилиш — долзарб вазифа

Муайян сабаблар туфайли ажралиш бўлган оилада ҳам ҳаёт давом этаверади. Ота ҳам, она ҳам ўз аравасини ўзи тортиши мумкин. Бироқ орада вояга етмаган, ҳали ҳақ-хуқуқларини танимаган, катталарнинг муҳофазасига муҳтож фарзандлар бўлса-чи? Уларнинг ота ё она меҳридан мосуво ярим кўнглини тўлдириш қийин, албатта. Улар вояга етиб, мустақил ҳаётга қадам қўйиб, оёққа тургунича бўлган даврдаги қонуний ҳаққи — алиментдан ҳам бенасибу бебаҳра қолса, уларнинг дардини ким эшитиши?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси томонидан Қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда парламент қўйи палатасидаги Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссия билан ҳамкорликда ташкил этилган “Оила муҳитининг фарзанд тарбиясига таъсири: ажралишлар таҳлили ва болалар тақдири” мавзусидаги давра суҳбатига ана шу масала қизгин муҳокама қилинди.

Иштирокчилар мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ислохотларга соя солаётган мазкур масала хусусида сўз юритишар экан, биринчи навбатда, ёш оилалар ўртасидаги арзимас муаммолар юзасидан келиб чиқадиган тушунмовчиликлар туфайли ажримларнинг кўпаяётгани, миллатимизга, халқимизга хос бўлмаган натижа билан якунланаётгани барчамизни ташвишлантириши лозимлигини таъкидладилар.

Аслида, юртимизда болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари Ўзбекистон Республикасининг бир нечта қонун ҳужжатлари билан кафолатланган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Бола ҳуқуқлари

кафолатлари тўғрисида”ги Қонун, Оила, Фуқаролик кодекслари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Бироқ қонунчилик базаси қанчалик мустаҳкам бўлмасин, воқелик бу борада кўплаб муаммолар борлигини кўрсатмоқда.

Маълумотларга қараганда, 2017 йил мобайнида судларга алимент мажбуриятлари бажарилмаслиги билан боғлиқ 47,4 мингта, 2018 йилнинг биринчи чоррада эса 11,8 мингта ариза келиб тушган. 2018 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, давлат ижрочиларида 245,4 мингта алимент ундириш бўйича ижро ҳужжати мавжуд, шундан 60 мингтаси (24 фоизи) иш ҳақидан ундиришга қаратилган.

2017 йилда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 3,7 минг нафар алимент юзасидан қарздорга нисбатан ишлар кўрилган. Ҳозирги кунга келиб алимент тўламаётган 2,3 минг нафардан зиёд фуқароларга нисбатан қидирув эълон қилинган. 180 минг нафар қарздор ота ёки она доимий даромад манбаига эга эмаслиги туфайли алимент тўла олмаётгани аниқланган.

(Давоми 2-бетда) >>>

Ўзбек академиясининг монографияси Европада чоп этилди

Яқинда академик Иброҳим Абдурахмоновнинг “Genotyping” (“Генотиплаш”) ҳамда “Bioinformatics in the Era of Post Genomics and Big Data” (“Постгеномика ва йирик маълумотлар даврида биоинформатика”) китоблари Буюк Британиянинг машхур “IntechOpen” нашриётида чоп этилди. Бу Ўзбекистон Фанлар академиясига янги сайланган академикларнинг “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар асосида амалга оширилди.

ЭЪТИРОФ

“Генотиплаш” организмдаги генотиплаш жараёнининг асослари, шунингдек, янги турдаги, арзон нархлардаги генотиплаш воситалари, генотип маълумотлар ва дастурлари билан таъминирса, “Постгеномика ва йирик маълумотлар даврида биоинформатика” китоби эса биоинформатика фанининг сўнгги ютуқлари ҳақида маълумот беради.

Ушбу монографияларнинг Европада нашр этилиши ўзбек илм-фанининг жаҳонда ўз ўрнига эга бўлиб бораётганини тасдиқлайди.

Д. АБДУРАҲИМОВ.

Болалар манфаатларини ҳимоя қилиш — долзарб вазифа

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу, депутатлар фикри-ча, жамиятимизда тобора ўткир масалалардан бирига айланмоқда. Боиси оилавий масалалар, ажримларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳали-ҳануз чуқур таҳлил қилиб берилмаяпти. Муаммонинг кўлами ва оқибатлари ҳар томонлама ўрганилмаяпти.

Давра суҳбатида ажрашган оилаларнинг иқтисодий аҳволи, фарзандлар учун алимент ундириш масалалари муҳокама қилинди. Амалдаги қонунчилигимизда бу борада белгиланган нормаларнинг моҳияти, ҳуқуқни қўллаш амалиёти атрофлича таҳлил этилди.

Муҳокамаларга кўра Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш кири-

тиш таклифи илгари сўрилди. Хусусан, алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаганларни қўллаб-қувватлаш бўйича жамғарма ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Бундан ташқари, жамғарма томонидан тўлаб берилган маблағлар қарздор томонидан мажбурий тартибда ундирили олиниши, мазкур йўналишда самарали механизмни юзага келтириши имкони мавжуд экани қайд этилди. Хусусан, қатор хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, бу борада қарздорларни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан вақтинча маҳрум қилиш амалиётини жорий этиш бу борада мақбул эканлиги билдирилди.

Давра суҳбати якунида фракция томонидан қўридаги таклифларни масъул кўмитага тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қобил ХИДИРОВ.

Давлат сиёсатининг устувор йўналиши

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўринбосари А. Абдуҳакимов, Бош вазир ўринбосари, Хотинқизлар кўмитаси раиси Т. Нарбаева, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача таълим, бандлик ва меҳнат муносабатлари, адлия вазирлари, мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари қатнашдилар. Унда юртимизда болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасидаги ишларнинг самарадорлиги ва аҳамияти чуқур таҳлил қилиниб, истиқболдаги вазифалар муҳокама этилди.

Қайд этилганидек, фуқароларни, айниқса, болалар ва ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш Ҳаракатлар стратегиясининг энг муҳим тамойилларидан бири сифатида мустаҳкамлаб қўйилган. Ўтган икки йиллик даврнинг ўзйда бу борада ислохотлар амалга оширилди. Болалар меҳнати бутунлай тугатилди, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш бўйича ишлар сифати янада яхшиланди, соғлиқни сақлаш тизими тубдан модернизация қилинапти.

— Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар аҳолининг барча қатлами, хусусан, олис кишлоқ жойларда яшовчилар учун ҳам юқори даражадаги тиббий хизматни таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир, — деди йиғилишда сўзга чиққан соғлиқни сақлаш вазир А. Шодмонов. — Бу борада юздан зиёд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Президентнинг 4 та Фармони ва 25 та қарори эълон қилинди. Тиббиётни молиялаштириш тизими ўзгарди, соҳада йирик тузилмавий янгиланишлар юз берди. 2018 йилда соҳа бюджети 41 фоиз ошди. Ўтган йилда дори воситалари харид қилиш учун уч баравар, қурилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш харажатларига эса икки баравар кўп маблағ ажратилди. Кадрлар базаси мустаҳкамланмоқда. Биз

аҳоли иммунитетини ошириш, патронаж хизматини, тиббиёт бошқарувини такомиллаштириш ишида, шифохоналарнинг овқатлантириш бўлимлари ишини яхшилаш, ОИВ/ОИТСга қарши кураш ва бошқа соҳаларда ЮНИСЕФ билан ақиндан ҳамкорлик қилмоқдамиз.

Ўзбекистон мактабгача таълим вазирини А. Шин соҳадаги муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай деди: — Мактабгача таълим — ягона таълим занжиридаги муҳим босқич. Вазирлик иш бошлаган биринчи кунданхў ЮНИСЕФ ваколатхонаси ишончли ҳамкоримизга айланди. Йиллар мобайнида мактабгача таълим тизимида кўплаб муаммолар йиғилиб қолган эди. 1991 йилдан 2018 йилга қадар МТМ сони деярли икки баробар қисқарди. Аҳоли эса ушбу даврда 12 миллионга кўпайди ва бу муаммони янада чуқурлаштирди. Амалдаги ҳуқуқий базада, “Таълим тўғрисида”ги Қонунда мактабгача таълим мажбурий этиб белгиланмаган. Таълимнинг ушбу босқичи билан барчани бирдек қамраб олиш имкони йўқ.

2017 йил сентябрь охирида кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълимга жалб қилиш даражаси 27,3 фоиз бўлгани ҳолда, 2018 йил 1 июлга келиб бу кўрсаткич 33,1 фоизга етди. Биз янги бочалар куриш, соҳада давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш борасида сезиларли натижаларга эришдик.

Йиғилиш якунларига кўра миллий дастур юзасидан билдирилган таклифлар умумлаштирилди ва улар келгуси фаолиятда инобатга олинади.

Ўзбекистонга таширифи доирасида Афшан Ханнинг парламент аъзолари, ижро ҳокимиятининг масъул шахслари, фуқаролик жамияти вакиллари билан учрашувлари режалаштирилган.

Феруза КУБАРЕВА,
Ботир ҒОҒУРОВ.

Давра суҳбати

Мукаммал қонун ижодкорлиги — адолатли ва ҳаётий меъёрлар яратиш гарови

Мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши қонун ижодкорлиги ва парламент назорати соҳасидаги кенг кўламли ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 июлда парламент аъзолари билан ўтган учрашувдаги нутқида парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижорачисига айланиши зарурлигини таъкидлагани, 2017 йил 22 декабрда эса Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида бугунги давр нуқтаи назаридан парламентнинг энг устувор вазифаларини белгилаб бергани мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта янгиликларга эришишнинг заруриятини аъён қилди.

Буюк файласуф Томас Гоббс таъкидлаб ўтганидек, “Фақат давлатдагина эзулик ва иллатларни ўлчаш учун умумий мезон мавжуддир ва фақат ҳар бир дав-

латнинг қонунларигина шундай мезон бўлиб хизмат қилади”. Қонун ижодкорлиги жараёни шу мезонларнинг бошланиши ҳисобланади.

“Сиёсий тизимни демократлаштириш ва модернизация қилиш шароитларида қонун ижодкорлиги ҳамда парламент назорати: Ўзбекистон тажрибаси” мавзусидаги халқаро давра суҳбатида ана шу масала таҳлил қилинди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати вакиллари, давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги масъулияти хусусида сўз юритилди, миллий ва хорижий экспертлар иштирокида адолатли нормалар яратишнинг замонавий усул ҳамда тамойиллари, пар-

ламент назорати, давлат бошқаруви тизимида сиёсий партияларнинг ўрни тўғрисида фикр алмашилди.

Хорижий экспертлар мамлакатимизда қонун ижодкорлиги фаолиятини демократлаштириш борасида қилинаётган ишлар, жумладан, Ҳаракатлар стратегияси доирасида олиб борилаётган сиёсий ислохотлар билан атрофлича таништирилди.

Самарали ва таъсирчан парламент назоратини амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётган 10 дан зиёд қонунлар қабул қилингани айтиб ўтилди. Депутатлар ва сенаторлар ижро этувчи ҳокимият органлари ҳал этиши лозим бўлган аниқ масалаларни кўндаланг қўймоқда. Республика миқёсидаги муаммолар парламент назоратининг депутат сўрови, парламент сўрови, парламент эшитуви, ҳукумат соати каби турли шакллари орқали ҳал қилинаётир.

Қонуности ҳужжатларини ўзгартириш, тармоқларга ва минтақаларга тааллуқли аниқ муаммоларни ҳал этиш учун ҳукуматга таклифлар киритиш йўлга қўйилган.

Тадбирда “ақли қонунлар” хусусида ҳам тўхталиб ўтилди. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқларини таъминлайдиган, самарали ижро учун қўшимча қонуности ҳужжатларини талаб этмайдиган, аввало, халқ манфаатларига хизмат қиладиган қонунлар ана шундай ҳужжатлар ҳисобланади. Миллий қонунчилигимизни ҳам худди шу мезонлар асосида ривожлантириш, бунинг учун зарур бўладиган халқаро тажрибани ўрганиш, парламент назоратининг шакллари ва услубларини амалга оширишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, муҳими, қонун ижодкорлиги жараёнида фуқаролик жамияти институтлари ўрнини янада кенгайтириш истиқболдаги вазифалар сифатида таъкидланди.

Фаол ислохотлар ва янгиланишларни бошдан кечираётган Ўзбекистон учун сифатли, мукаммал ҳамда халққил қонунлар керак. Олий юридик кучга эга бўлган қонун яратиш жараёнининг ўзи, бошланғич концепциясини ишлаб чиқиш тартиб-таомили, қонун лойиҳасини ёзиш, муҳокама қилиш, турли ижтимоий қатламлар, гуруҳлар манфаатларини, амалдаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатини, янги қонун ҳужжатларига мослашиб кетиш қобилиятини ҳисобга олиш ҳар қачонгидан долзарб. Айниқса, унинг ижтимоий муносабатларда қанчалик тез рўёбга чиқиши иштирокчилар томонидан асосий масала сифатида кўриб чиқилди. Турли қарашлар, фикрлар, таклифлар ўртага ташланди.

Мунисхон КАРИМОВА,
“Халқ сўзи” мухбири.

Сўз — иштирокчиларга

Томас КУНЦЕ,
Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатли вакили:

— Бугунги кунда бутун дунё, жумладан, Германияда ҳам Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида олиб борилаётган ислохотлар катта қизиқиш билан қузелтилмоқда. Бу янгиланишлар барча соҳани қамраб оляпти ва динамик ўсиш билан мустаҳкамланиб боришмоқда. Айниқса, давлат ҳокимияти бошқарув тизими ислох этилаяпти, ҳаётий қонунлар қабул қилинадиган парламент тизими янгиланмоқда. Чунки парламент ҳокимиятлар кесимида институционал таркибий қисм ҳисобланади. Унинг ҳукумат фаолияти устидан самарали назоратни йўлга қўйиши ислохотлар амалий ижросини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Александр КОВАЛЕВСКИЙ,
Бюджет қарорлари институти Бош директори (Россия):
— Қонунларни қабул қилишда айнан

фуқароларнинг фаол иштироки жуда муҳим. Бу йўналишда Ўзбекистонда бир қатор ишлар амалга оширилгани эътиборга молик. Аввало, мамлакат парламенти янгиланишлар жараёнида. Қонунларни қабул қилишда халқнинг хоҳиш-иродасини инобатга олиш, жойлардаги аҳволни ўрганиш механизмлари жорий қилингани — яхши амалиёт.

Бу ўринда халқаро тажрибадан тўғри фойдаланиш ҳам лозим. Бошқалар қилган хатони такрорламаслик самарали хулосаларни кенг жорий этиш имконини беради. Давра суҳбатида ўртага ташланган фикрлар миллий қонун ижодкорлиги техникасини янада замонавийлаштиришга кўмаклашади.

Раҳимжон ҲАКИМОВ,
Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори:

— Қонун ижодкорлигининг айна жараёнида бир неча муаммоларимиз бор, албатта. Қонуности ҳужжатлари кўплиги,

Бош Қомусимизда 55 турдаги инсон ҳуқуқлари акс эттирилган

Бунини тадқиқотчилар таҳлили мисолида яққол кўриш мумкин.

Тадқиқотчилар дунё конституцияларида жами 117 хил инсон ҳуқуқларини ҳисоблаб чиқиб, уларни 190 та давлат конституциясида қанчаси акс этгани бўйича таҳлил ўтказишганида, Франция Конституцияси 13 турдаги ҳуқуқларни, АҚШ Конституцияси 35 турдаги, Буюк Британиянинг конституциявий аҳамиятдаги ҳужжатлари 44 турдаги, Германия ва Япония Асосий қонунлари 48 турдаги ҳуқуқларни қамраб олгани, шунингдек, Ўзбекистон Конституциясида эса 55 турдаги ҳуқуқлар акс этганини қайд қилишган.

ЖАРАЁН

Асосий Қонунимиз 128 моддадан иборат бўлгани ҳолда, унинг 30 дан ортиқ моддалари бевосита инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига бағишланган. Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг деярли барча принциплар қоидаларини ўзида мутасаммаллаштиргани билан эътиборга лойиқдир.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш — ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ҳамда эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шартидир. Шу маънода, мазкур ҳужжат асосида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласи сифат жиҳатидан янги босқичга чиқди.

Президентимизнинг жорий йил 5 майдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармон мазкур халқаро ҳужжат мазмун-моҳияти билан боғлиқ

тарғибот ишларини янада фаоллаштирди.

Айни пайтда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида зарур чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Тадбирлар дастури 6 бўлим 38 банддан иборат бўлиб, унда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид қонунчилик асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ вазифалар қайд қилинган. Жумладан, Омбудсманнинг қамоққа олинган ва озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларнинг сақлаш шароитларини мониторинг қилишга оид ваколатларини кенгайтириш, “Бепул юридик ёрдам тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ҳамда Озодликдан маҳрум этиш жойларини мониторинг қилишнинг Мустақил превентив механизми тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш, Маҳкумлар билан муомалада бўлишнинг минимал стандартларига (2015 йил 17 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси билан қабул қилинган) миллий қонунчилигимиз мувофиқлигини ўрганиш қабилад белгиланган дастури тўғрисида”ги Фармон мазкур халқаро ҳужжат мазмун-моҳияти билан боғлиқ

такомиллаштириш, тадбиркорлик тузилмаларининг инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва ҳимоялашдаги иштирокини янада кенгайтиришга оид чора-тадбирлар назарда тутилган.

Тан олиш керак, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигисиз инсон ҳуқуқларини таъминлашни тасаввур қилиш қийин. Ўтган йиллар давомида судни ҳокимиятнинг мустақил, алоҳида тармоғи сифатида ташкил этиш, уни ўтмишдаги жазолаш органидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза ҳамда ишончли ҳимоя қилувчи давлатнинг чинакам мустақил институтига айлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Президент девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати, Виртуал қабулхона ҳамда Халқ қабулхоналари, давлат хизматлари агентликлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда таъминлашда дунёда мисли кўрилмаган моделни яратди.

Бу тузилмалар ўтган қисқа даврда фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжларини қонуний асосда ҳал қилишда муҳим роль ўйнайдиган институтига айланди. Мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш, шунингдек, фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш, айбланувчини лавозимидан четлатириш, шахсини тиббий муассасага жойлаштириш ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш, мурда ни эскугация қилиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ваколатларини прокуратурадан судларга ўтказиш

тўғрисида қабул қилинган қонунлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда.

Ўтган йили судлар томонидан 262 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Бундан ташқари, дастлабки тергов органлари томонидан 3,8 мингтадан зиёд жиноят ишлари тугатилди. 2017 йилнинг ўзига турли диний оқимларга кириб қолган, ўз қилмишидан пушаймон бўлган 18 мингдан ортиқ шахслар махсус ҳисобдан чиқарилди. Ҳар бир инсоннинг уюшмиш эркинлигини таъминлаш ижроси ўлароқ, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур институционал база яратилди. Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган 9 200 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришишда муҳим роль ўйнамоқда.

Умуман айтганда, инсон манфаатлари ҳимоясини таъминлаш — узоқ давом этадиган, мураккаб жараён. Шу маънода, юртимизда бу тизимда амалга оширилаётган ишлар тўхтаб қолмайди. Зеро, инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган устувор йўналишлардан биридир.

Мирвазал МИРАКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти бошлигининг ўринбосари, юридик фанлар доктори.

Ҳамкорлик

Бугунги кунда қўшни мамлакатлар билан алоқаларимиз тобора мустаҳкамланиб, янги босқичга кўтарилди. Бу Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан юритилаётган оқилона сиёсат самарасидир.

Ўзбек маҳсулотлари Тожикистон бозоридан жой олмоқда

Б и н о б а р и н, давлатимиз раҳбарининг жорий йил март ойида Тожикистон Республикасига қилган давлат ташрифи давомида яқин икки йил мобайнида ўзаро товар айирбошлаш ҳажминини 1 миллион АҚШ долларига етказиш бўйича аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берилган эди. Шундан келиб чиқиб, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси кўмағида Хўжанд шаҳрида Ўзбекистон “Савдо уйи” ташкил этилди, “Саховат” бозорида ўзбек тадбиркорлари маҳсулотлари сотилиши йўлга қўйилди.

Бундай шартларни кўплаб келтириш мумкин. Чунки бу каби тадбирлар хориж бозорига чиқиш имкониятини ошириш баробарида, ўзаро тажриба алмашиш, келгуси режаларни белгилаб олишда ҳам қўл келмоқда.

Диллал МЕНГЛИЕВ,
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти худудий бошқармаси сектор мудири.



Бетакрор табиат, тарихий обидалар, табаррук қадамжолар, сўлим дам олиш масканлари. Булар дунёга янги имидж билан юзланаётган замонавий Ўзбекистоннинг туризм соҳасини ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кескин оширишда аини муддаодир. Кейинги пайтда ушбу имкониятлардан оқилона фойдаланиш мақсадида кенг қамровли ишлар олиб бориляпти. Президентимизнинг туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишга доир қабул қилган Фармон ва қарорлари бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сурхондарё — сайёҳликнинг барча йўналишини ривожлантириш бўйича улкан салоҳиятга эга ҳудуд. Аини пайтда воҳада экотуризм, агротуризм, экстремал шароитлар туризминини ривожлантириш мақсадида маданий мерос объектларини таъмирлаш, ободонлаштириш, сайёҳлар учун оммавий кўнгилочар тадбирларни ташкил этиш, меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш, замонавий инфратузилма объектлари барпо этишга доир кўплаб истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этиляпти. Давлатимиз раҳбарининг вилоятга таширфи чоғида туризмни ривожлантириш бўйича берган топшириқлари асосида мавжуд туристик объектлар ҳамда воҳа тарихи чуқур ўрганилгани ҳолда, Сурхондарё туризм брендининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди. Қадимий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжолар бўйлаб Термиз — Денов, Термиз — Бойсун ҳамда Термиз — Музработ маршрутлари бўйича янги йўналишлар очилди.



Экотуризм масканлари сайёҳлик йўналишларини белгилашнинг муҳим омилдир. Ушбу жиҳат инобатга олиниб, бир вақтнинг ўзида тўрт фаслнинг турфа манзараларини кузатиш мумкин бўлган воҳанинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, сув манбаларини асраб-авайлаш ҳамда табиий ресурслардан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётир. — Вилоятимизда учта кичик туризм зонаси ташкил этилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи А. Хўжакулов. — Хусусан, Бойсун туманида Омонхона ва Дарбанд қишлоғи, Завбоши тоғли ҳудудларини ўз ичига олган Бойсун кичик туризм зонаси барпо этилади. Сарийосиё ҳамда Узун туманларида Хонжиза тоғ тизмалари ёнбағирларида, Сарийосиё тумани Сангардақ қишлоғи ҳудудларида — Сарийосиё, шунингдек, Шеробод тумани Шалқон қишлоғи, Хўжаикон туз кони ҳудудида — Шеробод кичик туризм зоналари ташкил этилади. Ҳар учала туристик зонада Туркия Республикасининг “IdealIST” компанияси билан тоғ кластери ҳамда тоғ-дор йўллари қурилишини лойиҳалаштириш ишлари олиб бориляпти. Бойсун, Шеробод ва Сарийосиё туманларида хонадон эгаларининг розиликларига кўра 63 та “меҳмон уйи”ни ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги кунда Бойсун туманидаги 20 та “меҳмон уйи” туристларни қабул қилишга тайёр ҳолатга келтирилди. Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган воҳада мавжуд муқаддас қадамжолар, қадимий обидалар ҳамда маданий мерос намуналари дунё сайёҳларини ҳаммиша оҳанрабодек ўзига қорлайверади. Хусусан, Қоратепа, Қирққиз, Қокилдор ота, Султон Саодат, Зурмала, Фаёзтепа, Жарқўрон минораси, Саид Оталиқ мадрасаси, Искандар кўприги, Кампиртепа ва бошқа ёдгорликлар вилоятда янгидан-янги сайёҳлик йўналишларини ташкил этиш имконини бермоқда. “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” шиори остида мамлакатимиз бўйлаб сайёҳлик хизматлари қўлами ҳам, сифати ҳам тобора яхшиланиб бораётир.

Бугунги кунда вилоятда 374 та маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, шундан хорижий туристлар таширф буюрадиган асосий объектлар 52 тани ташкил этади. Вилоятга сайёҳларга сифатли транспорт хизматларини кўрсатиш мақсадида 13 та автобус олиб келиш кўзда тутилган. Аини пайтда вилоятнинг шаҳар ҳамда туманларида 18 та икки ва уч юлдузли меҳмонхоналарнинг қурилиши бошлаб юборилган.

Ҳаёт чашмаси

Сурхон воҳасининг Шимоли-Шарқда жойлашган Сангардақ шаршараси — мўъжизалар маскани. Улкан қоялардан тушаётган сув томчилари камалак ранг тус олиб, кўз ўнгингизда ажиб манзарани акс эттиради. Баланглиги қарийб 150, ёйсимон шаклдаги эни 80 метрни ташкил этадиган ушбу шаршаранинг тепа қисми баланд қоялардан иборат.

Иккинчи қисми эса Қашқадарё вилоятининг Гузор ҳамда Деҳқонобод туманлари билан тутшиб кетган. Тоғдан шаррос оқиб тушаётган ҳаёт чашмаси, қишда бир оз камайса-да, эрта баҳордан яна чор-атрофга ўзининг гўзаллигини кўз-кўз қила бошлайди.

Вилоят марказидан 200 километр олисда жойлашган ушбу сўлим гўша пурвиқор тоғлар макони бўлиши баробарида, паст-баланд адирликлар, дарё ва водийларга тутшиб кетган. Шаршара сувининг шифобахш ҳамда шаффофлигини айтмайсизми?! Шундан бўлса керак, диёримизнинг дилтортар, оромбахш ошёни — Сангардақ шаршараси нафақат юртдошларимизни, балки хорижий меҳмонларни ҳам доим ўзига мафтун этиб келади.

Айтиш жоизки, бу йил Сарийосиё тумани ҳокимлиги ҳамда ҳомийлар томонидан шаршара атрофида панжарали йўлақлар, шинам айвонлар ва бошқа зарур шароитлар яратилди.

— Сангардақ шаршараси таърифини эшитган киши борки, табиатнинг бу мафтункор масканига бир маротаба бўлса-да келишни астойдил орзу қиладди, — дейди шўрчилик Бахтиёр Алиқулов. — Ҳар сафар бу ерга келганимда руҳимда кўтаринкиликни, инсон ва табиат ўртасида кўринмас ришта борлигини ҳис қиламан.



Зиёрат туризмнинг муҳим йўналиши

Сурхон диёри илм-фаннинг турли йўналишида беназир бўлган кўплаб улуг олиму мутафаккирларни камолга етказган муқаддас гўшадир. Чунончи, буюк муҳаддис имом Абу Исо Термизий ҳам шу замин фарзанди. Аллома-нинг мақбараси Шеробод туманида жойлашган бўлиб, мустабид тузум даврида тамомила қаровсиз бўлиб қолган мақбара мажмуаси 1990 йили Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан қайтадан таъмирланиб, муқаддас зиёратгоҳга айлан-тирилди.

Ўтган йили Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Абу Исо Термизий мажмуасида улкан таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 450 ўринли масжид, бешта шарқона айвон ва учта дарвоза қурилди. Имом Термизий мақбараси қайта таъмирланиб, унинг ёнига қўшимча зиёратгоҳ бунёд этилди. Манзарали дарахт ва анвойи гуллар кўчатлари экилди. Мажмуа атрофи девор билан ўралди. Кўркам ҳамда муаззам бу жой ҳозирда нафақат маҳаллий зиёратчилар, балки хорижий сайёҳлар учун ҳам муҳим туристик йўналишлардан бирига айланган.

— Улуг аждодимиз мангу кўним топган мақбара ҳудудида амалга оширилган улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари халқимизнинг аини кўнглидаги истакнинг ижобати бўлди, — дейди Имом Исо Термизий ёдгорлик мажмуаси раҳбари Рўзибой Авазов. — Бу эса миллий, диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда зиёрат туризминини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Термиздаги Ҳаким Термизий ёдгорлик мажмуаси ҳам доимо зиёратчилар билан гавжум. Диний ва дунёвий илмлар билимдони, мутафаккир олим Ҳаким Термизий ҳаёти давомида 400 дан ортик асарлар ёзган бўлса, шулардан 60 га яқини бизгача етиб келган.

Ҳаким Термизий вафотидан сўнг, унинг қабри устида мақбара қурилган бўлиб, иншоот IX — XV асрларга оид меъморий аъналарни ўзида акс эттирган. Сўнгги йилларда бу ерда кенг қамровли реставрация ишлари амалга оширилиб, қарийб 10 гектарни ташкил этадиган мажмуа ҳудуди замонавий ландшафт дизайни асосида ободонлаштирилди, кўркам масканга айлантирилди.

— Мақбарани реконструкция қилиш жараёнида маданий қатламни очиб, ўрганиш, миллий меъморлик аъналарини давом эттиришни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик, — дейди археолог олим Тўхташ Аннаев. — Бинобарин, Ҳаким Термизий мақбараси эски Термиз ҳудудидаги тарихий обидаларнинг бир бўлгани сифатида қадимги цивилизация марказини археологик тадқиқ этишда муҳим саналади. Кейинги йилларда ҳудудда олиб борилган қазимша ишлари натижасида қўлга киритилган ноёб экспонатлар Термизийлар тарихи музейи кўргазмасидан ўрин эгаллаб, ёш авлодни аждодларга ҳурмат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Далварзинтепа сирлари

Далварзинтепа... У қадимий Кушон империяси, ўша давр шаҳарсозлигию илк давлатчилик асослари ва маданий ҳаёт ҳақидаги тасав-вурларимизни бойитадиган ёдгорликдир.

Бугун харобага айланган бу кўҳна обида ўз бағрида не-не синоатларни жамламаган, дейсиз. Археологик тадқиқотлар унинг тилсимларини бирин-кетин очиб имконини берди. Бу ерда ўтган асрнинг 60-йилларидан кейин қазимша ишлари бошланган бўлиб, 1972 йилнинг 25 сентябрида таниқли олим Баҳодир Турғунов раҳбарлигидаги археологлар Далварзинтепадан 36 ки-

лограмм олтин топишгани қадимшуносларнинг ноёб топиламаси бўлганди.



Дарвоқе, ўзбек-япон экспедицияси томонидан Далварзинтепада олиб борилган тадқиқотлар туфайли қарийб эллик гектар майдонни эгаллаган шаҳристондан турли хайкаллар, сопол кўзалар, ўқ-ёйлар, қувурлар қазиб олинди. Жумладан, Будда ҳайкалининг бош қисми, қимматбаҳо фил суягидан тайёрланган шахмат доналари, Кушон подшоҳларининг номи зарб қилинган мис тангалар, қимматбаҳо тошлардан ясалган мунчоқлар, мис кўзгулар, шошқол доналари “аср топиламаси” сифатида қайд этилди. Бу каби ноёб экспонатлар тарих тилсимларини очиш баробарида, миллий давлатчилигимизни ўрганиш, аждодларимизнинг буюк ўтмишини англашда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.



Ҳайратга сабаб бўлаётган экспонатлар

Термиз археология музейи Марказий Осиёда ягона бўлиб, бу ердаги экспонатлар милоддан аввалги 100 минг йилликдан токи XX асрга қадар бўлган воҳа тарихидан сўзлайди.

Мамлакатимиз Жанубий ҳудудида олиб борилаётган узлуксиз археологик қазув ва илмий тадқиқот ишлари натижасида музейнинг ноёб экспонатлари сони тобора ортмоқда. Агар 2002 йилда улар 27 минг 247 та бўлса, жорий йилда 98 мингтани ташкил этди. Шундан 26 мингтаси нумизматика фондга тегишлидир. Экспонатларнинг 50 мингтаси асосий фондга тегишли бўлса, шундан 1000 таси жаҳон аҳамиятига эга дурдоналардир. Мазкур топиламалар Бактрия археологик экспедицияси, Қоратепа илмий-тадқиқот экспедицияси, Тохаристон комплекс илмий экспедицияси ҳамда дунёнинг таниқли археологлари бошчилигидаги ўзбек-япон, ўзбек-немис, ўзбек-француз, ўзбек-рус, ўзбек-хитой, ўзбек-испан, ўзбек-корейс ва ўзбек-чех экспедициялари илмий-археологик изланишлари самарасидир.

Музей мажмуаси ички ҳовлисида устун асослари галереяси бўлиб, унда антик давр санъати, Кушон даври маданиятига оид ноёб устун асослари намуналари намойиш этилган. Милодий I — III асрларга оид хумлар, шер тасвири туширилган капители, милодий I — X асрларга оид сопол қувурлар, милодий XIV-XV асрларга оид исломий ёзувлар билан безатилган мрамар қабртошлар шулар жумласидан.

— Музейлар тарих кўзгусидир, — дейди Термиз археология музейи директори Зебинисо Алимардонова. — Вилоятимиз ҳудудида олиб борилаётган археологик тадқиқотлар туфайли қўлга киритилаётган экспонатлар сони тобора ортаётгани ва уларнинг асарияти ноёб ҳамда тақдорланмас эканлигини инобатга олган ҳолда, интернет сайтимиз орқали уларни кенг омма ўртасида намойиш қилиш, маҳаллий ва хорижий сайёҳларга кўпроқ маълумотлар тақдим этишга эришмоқдамиз.

Диний бағрикенглик тимсоли

Кўҳна Термиз асрлар давомида дунёвий динлардан бири бўлган буддизм дини ва у билан боғлиқ санъатнинг Марказий Осиё мамлакатларига тарқалишида муҳим роль ўйнаган. Термиз (Тармита)даги Фаёзтепа, Қоратепа, Зурмала каби ёдгорликлар ушбу дин билан боғлиқ.

Фаёзтепадаги асосий иншоотдан бир неча метр Шимоли-Шарқда буддизм динининг муқаддас ёдгорликларидан бири бўлиши ступа жойлашган. У миллоддан аввалги I асрнинг охирида қурилган бўлиб, гумбаз қисми рангли тасвирларга эга бўлган. Кейинчалик бу ступанинг устидан яна ҳам маҳобатли ступа қурилган. У қадимги санскритда “қоинот мужассамлиги” деган маънони англатади.

Ступаларнинг асоси тўртбурчак ёки шунга яқин бўлиб, бир неча метр балангликка кўтарилган. Бу баланглик устига эса цилиндрсимон иншоот қурилган. Унинг баланглиги 10 метрга яқин бўлган. Ступа усти гумбазсимон қилиб ишланган ва унга ёғочдан ёки тошдан ясалган лангар ўрнатилган. Лангарда тошдан ясалган бир неча соябон бўлиб, улар буддавийларда қатра, деб аталган. Чатра муқаддас дарахт рамзи, чунки мазкур дарахт соясида Будда ўз диний назарисининг асосларини ишлаб чиққан.

Сурхон воҳаси тарихини 40 йилдан ортик давр мобаийнида ўрганган машҳур япон олими, профессор Като Кюдзюнинг изланишлари ва Термиз шаҳрини тарихий далиллар билан исботланган буддизмнинг қадимий ва Фарбий нуқтаси сифатида тарғиб қилиш ҳисобига Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиё мамлакатларидан кўплаб сайёҳларни жалб қилиш, шунингдек, профессор Ката Кюдзюнинг номини абадийлаштириш мақсадида Термиз шаҳрида унинг ҳайкалини ўрнатиш, Япон боғини ташкил этиш ва 100 ўринли меҳмонхона қуриш ишлари олиб боришмоқда. Бу сайёҳлар оқимини кўпайтириш ва туризм истиқболларини таъминлашга кенг йўл очиши, шубҳасиз.

“Бойсун баҳори”: ҳавас ва ҳайрат уйғунлиги

Инсониятнинг илк манзилгоҳларидан бири — Бойсунда миллий қадриятлар, халқ оғзаки ижоди, амалий ва бадий санъат, урф-одат ҳамда аъналар асрлар оша сайқал топиб келмоқда. Қолаверса, ён-атрофи тоғлар билан ўралган бу ҳудудда фасллар маликаси — баҳорнинг ҳам файзу шукухи, кўрку таровати ўзгача бўлади. Қир-адирлар бағрини алвон ранг билан беаган лолақизғал-доқларнинг майин тебраниши, шарқироқ сойлару бог-роғлардаги баҳорий тусланишлар беихтиёр кишини ошфат этади.

Халқ оғзаки ижодининг нодир намунаси — “Алпомиш” достони ҳам айнан ушбу ҳудуд одамлари, унинг ўтмишидан сўзлайди. Чунончи, тамаддун бешикларидан бири, тилсимотлар маскани Бойсун 2001 йилда ЮНЕСКО томонидан “Инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдонаси” сифатида эътироф этилиши ҳам бежиз эмас. 2008 йилда Инсониятнинг номоддий маданий мероси Репрезентатив рўйхатида киритилди. Бойсунда халқимиз тарихи ва маданиятини ўрганиш, унинг бой меросини сақлаб қолишга бағишланган тадбирлар натижасида тарихчи, археолог, этнограф, филолог, санъатшунос олимлар ҳамда ҳунармандлар иштирокида эллика яқин ёдгорликлар аниқланди.

Жорий йилнинг 28-29 апрель кунлари Бойсун туманининг Паданг қишлоғида бўлиб ўтган “Бойсун баҳори” очик фольклор фестивали маҳаллий ва хорижий сайёҳларга бир олам завқ-шавқ улашиб, уларнинг ҳавас ва ҳайратини оширди. Гап шундаки, аънавий тарзда ташкил этилаётган мазкур санъат ва маданият байрами вилоятда туристик йўналишларни кенгайтириш, хорижий сайёҳлар учун қизиқарли ҳамда мазмунли дастурларни тақдим этиш имконини яратмоқда.

Қисқача айтганда, Сурхондарё туризмни ривожлантириш, сайёҳликнинг янги йўналишларини очишда улкан салоҳиятга эга. Шу маънода, воҳанинг ички имкониятларидан келиб чиқиб, зиёрат туризми, буддизм туризми, гастрономик туризм, тарихий-маданий туризм, тоғ туризми ҳамда трекинг маршрутлари, эко-агро туризми ташкил этиш, шунингдек, хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бу эса туризмнинг турли шакллариин илдам ривожлантиришга имкон яратади.

Илҳом РАҲМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАМАНГАН ТОМОНЛАРДА

Кредитга мингта тикув дастгоҳи

“Tristar unitar servis” қўшма корхонаси хориждан келтирган “Tristar” русумли мингта тикув машинасини Норин туманидаги ишсиз хотин-қизларга уч йиллик имтиёзли кредит асосида берадиган бўлди.

— Тикув машинаси билан таъминланган аёлларга меҳнат дафтарчаси очилди, — дейди корхона масъул вакили Нодирбек Мирзаабдуллаев. — Уларни хом ашё билан ҳам таъминлаймиз.

Касаначи аёллар футболка, эркаклар шими ва кўйлаклари ҳамда бошқа турдаги маҳсулотларни тайёрлайдилар. Корхона

жамоаси истиқболли лойиҳани изчил давом эттириш ҳаракатида. Кейинги босқичларда Наманган вилоятининг бошқа туманларида ҳам касаначилар сафини кенгайтириб, рўмол, пайпоқ тўқиш ва бошқа тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали минглаб хотин-қизлар ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилади.

Технопарклар соҳасида ҳамкорлик кенгаймоқда

Наманган вилоятида технопарклар ташкил қилиш бўйича амалга оширилган қатор лойиҳалар ўз самарасини бермоқда.

Тадбиркорлик жамоалари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси учун қулай инфраструктура шароити яратилган бундай имкониятдан оқилона фойдаланиб, истеъмол бозорини юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдирди, шунингдек, бандлик дастури ижросида фаол қатнашмоқда.

Корея Республикаси технопарклар ассоциацияси раиси Жехун Ли

раҳбарлигидаги делегация билан вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган мулоқот чоғида шу ҳақда сўз борди.

Ташриф доирасида меҳмонлар вилоят марказидаги “Дўстлик уйи”да жойлашган Корея миллий маданий маркази фаолияти билан ақиндан танишдилар. Давлат хизматлари марказида технопарклар бўйича корейс тажрибаси тақдими ўтказилди.

Наманган шаҳрининг Янги тонг маҳалласида яшовчи Зулфия Мамадалиева ҳаётда эришган ютуқларини ўқувчилик йилларидаги қизиқиш ва интилишларининг ҳосиласи, деб ҳисоблайди.

Иновацион ихтиролар соҳибаси

Ўқувчилик чоғида ясаган шамол тегиримони макети билан тенгдошларини қўйиб қолдирган қиз Наманган муҳандислик педагогика институтида таҳсил олиб юрган йиллари биогаз олиш қурилмаси яратиш бораидаги тадқиқот ва янгиланган билан муттасил танишиб борди. Олий ўқув юртида иш бошлаган чоғида тўрақўрғонлик фермер Махмуджон Қодиров томонидан билдирилган тақлиф унинг орзуларига қанот бағишлади.

— Зулфиянинг ғайрати, ўқиб-ўрганишлари натижасида бир йил ичида қўлбола усулда ишлайдиган биогаз қурилмасини тайёрладик, — дейди М. Қодиров. — Кунига 120 кубометр ёниги тайёрлаш қувватига эга мосламани ҳўжалигимизда синовдан ўтказдик. Уч йил бўлди, узлуксиз ишлаб, ҳўжалик эҳтиёжини тўла қондириб келяпти.

Тиниб-тинчимас ихтирочи ҳаммасилари билан биргаликдаги илмий изланишлари натижасида 2017 йили секин оқувчи сув манбасида ишлайдиган чарчалакли қурилмани яратди. Янги муқобил қувват қурилмаси чиқарётган электр токи ёрдамида аҳоли хонадонлари, фермер ҳўжалиги ёки бошқа тадбиркорлик субъектларини бемалол таъминласа бўлади. Ёритиш тизими, майиш техника воситаларини ишлатиш учун мўлжаллан-

ган микроГЭСнинг тажриба нусхаси Косонсой туманининг Навбахор маҳалласи ҳудудидagi окова сув каналига ўрнатилди. Агрегат синовдан муваффақиятли ўтди. Тадқиқотчилар қурилмани ясашда, асосан, маҳаллий материаллардан фойдаланишди. Фақатгина генератори четдан олиб келинган.

— Қурилманинг баҳоси учра қиммат эмас, — дейди лойиҳа менежери. — Уни ясаш ва ўрнатиш харажатлари билан қўшиб ҳисоблаганда 25 — 30 миллион сўмдан ошмайди. Икки йилда ўзини оқлайди, ўн йил давомида ишлаш кафолати бор. Янгиланган кўпчилик қизиқиш билдирапти. Хусусан, бир қатор тадбиркорлик субъектлари муқобил энергия воситаси тайёрлаш учун буюртма беришган.

Наманган муҳандислик технология институтини ўқитувчиси З. Мамадалиева яқинда пойтахтда ўтказилган “Ўзбекистон аёлларининг юзта энг яхши иновацион лойиҳаси” республика танловида иштирок этиб, “Энг самарали иновацион лойиҳа” номинацияси бўйича ғолиб бўлди.

Айни пайтда у янги гоёларни амалиётга таътиб қилишга астойдил киришган.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



АЖДОДЛАРДАН МЕРОС НОЎБ КАСБ

Нурота тоғлари жанубда ҳосилдор ерлар, шимолда эса лалмикор текисликлар орқали бепойон Қизилқум чўлига туташиб кетган. Мазкур ҳудуддаги ўнлаб қишлоқ ва овуларда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш тарзи, удум ва аънаналари, моддий ҳамда номоддий мероси умуминсоний қадриятлар ҳазинасида бебаҳо улушга эга.

Чорвадорлар диёри Нуротада қорақўлчилик ва қаштачилик тарихи деярли тенг. Довруғи ҳам бири-биридан қолишмайди. Чеварлик ушбу заминда ўз мактабига эгалиги боис, халқ амалий қадриятларимизга эътибор, рағбат қўйиб замонамизда у янада раванг топти. Зеро, авлоддан-авлодга ўтиб, янги-янги жиҳатлар билан сайқал топан мазкур санъат эндиликда улкан маънавий мерос сифатида турли тадқиқотлар манбаига айланган. Ҳар бир қаштачилик намунаси ўз даврининг қайфиятини ифода қилади.

— Нурота қаштачилик мактаби хом ашёга дастлабки ишлов беришдан тўғри, тайёр маҳсулотга айлангунча бўлган жараёнларни қамраб олиш билан аҳралиб туради, — дейди Ўзбекистон Бадий академияси Навоий вилояти бўлими раҳбари Амин Қодиров. — Турли нақшлар, новда, барг, гуллар сингари унсурлар бу ерда халқнинг орзу-хавас, турмуш тутумини ифода этган. Келин сепида

қўлда тикилган қашта намуналари бўлиши аънанага айланган. Шу билан келин ўз уйига чинакам “Боғи эрам” гўзаллигини олиб боради.

Нурота қаштачилигининг яна бир жиҳати ушбу санъат мазкур туманда қадим-қадимдан аёлларнинг бандлигини таъминлашдек ижтимоий аҳамият ҳам қилиб қолган. Шунингдек, қаштачилик шўнчаки ўқув ва маҳоратгина эмас, санъатга хос нафосат, сабру қаноат, назари тўқлиқ каби жиҳатлар боқийлигини таъминловчи улкан маънавий мактаб ҳисобланади. Ҳамсухбатимиз Саодат Раҳматованинг учинчи аср билан юзлашган момомерос қаштасини янги машинага алмаштирганлигининг боиси ҳам, эҳтимол шундир.

— Бу сўзана мен билан қўшиб ҳисоблаганда олтинчи авлоддан кўрапти, — дейди Саодат Раҳматова. — Уни сотиб бўлмайди, фақат мерос қилиб бериш керак. Менга

марҳум қайнонам қандай тоширган бўлса, келинимга шундай топираман.

Нурота қаштачилик мактабининг бугунги равангидида санъатсевар ёшлар аллақачон эстафетани қўлга олишган. Улар орасида ёш қаштадўз Гулбахор Қодирова тиккан қаштачилик намуналари эътиборга молик. У Нурота қаштачилигининг аънавий йўналишларини Бухоро, Қашқадарё, ҳатто, Тожикистон қаштачилик композиция ҳамда нақш унсурлари билан бойитиб, Франция, Япония каби қўллаб мамлакатлардаги халқаро кўргазмаларда иштирок этди.

Нурота қаштачилиги бугунги кунда тадбиркорлик тусини ҳам олган. Туман марказида минг нафардан зиёд қиз-жувонлар ушбу ҳунар билан машғул. Чекка қишлоқ қизларини унинг синаотларидан воқиф эттиш, шу орқали ижтимоий бандлигини таъминлаш мақсадида ўқув курслари ҳам ташкил этилган. Уларда қизлар Нурота қаштачилиги билан бирга, ха-

ридорғир Бухоро зардўзлигини ҳам ўрганишиб, ўз маҳсулотларини кун сайин хорижий сайёҳлар таширифи ортиб бораётган Чашма мажмуаси кўргазмаларида тақдим этишмоқда.

— Нурота амалий санъати, хусусан, қаштачилиги ҳудуднинг табиятини, маҳаллий аҳолининг орзу-истакларини ифода этади, — дейди франциялик сайёҳ Паскаль Махтинелли. — Тўғри, тақдорликлар кўп. Бироқ бунда аҳолининг маросимларга, ўз ҳаётининг унутилмас даврига эътиборини назарда тутсақ, бу камчилик бирор-бир нуқсон ҳисобланмайди. Санъат ва маросимлар боғлиқлигининг мана шу заминда сақланиб қолганлиги дунёда қамдан-кам учрайдиган воқелиқдир. Албатта, бу — жуда катта тадқиқот манбаи. Чўқурроқ ўрганилса, санъат тарихи билан боғлиқ жуда катта кашфиётларга йўл очади.

Темур ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

2018/2019 ўқув йили учун магистратурага тингловчилар қабул қилиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ИЛМий-ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

2018/2019 ўқув йилига «Бизнесни бошқариш» («Master of Business Administration — MBA») ва «Лойиҳа бошқаруви» («Project management») мутахассисликлари бўйича магистратурага тингловчилар қабулини эълон қилади.

Корпоратив бошқаруви илмий-таълим марказига йиллик қабул квотаси қуйидаги миқдорда белгиланган:

«Лойиҳа бошқаруви» («Project management») мутахассислиги бўйича — 40 киши;
«Бизнесни бошқариш» («Master of Business Administration — MBA») мутахассислиги бўйича — 40 киши.

Ўқитиш — тўлов-контракт асосида:

«Лойиҳа бошқаруви» («Project management») мутахассислиги бўйича ўқитиш магистратуранинг бир йиллик таълим дастурига мурофиз;
«Бизнесни бошқариш» («Master of Business Administration — MBA») мутахассислиги бўйича ўқитиш магистратуранинг икки йиллик таълим дастурига мурофиз амалга оширилади.

Ўқитиш яқини бўйича тингловчиларга магистрлик даражаси ва давлат намунасидаги тегишли дипломлар берилади.

Таълим ҳажон андозалари бўйича ишлаб чиқилган ўқув дастурлари асосида олиб борилади ҳамда тингловчилар ўқув-амалиётларини (стажировка) мамлакатимиз ва хорижнинг етакчи компания ҳамда корпорацияларида ўтатилади.

Магистратурага 40 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, олий маълумотли (дипломли мутахассис, бакалавр) ва олий таълим

Қабул комиссияси иш вақти:

■ душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 17.00 гача; ■ шанба кунлари соат 9.00 дан 15.00 гача.

Маълумот учун телефон: (+99871) 239-03-05.

Веб-сайт: www.cgc.uz

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади.

«Agro sanoat mulk markazi» МЧЖда 2018 йил 7 август кунини соат 11.00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидеда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратурасига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотлари ва давлат унитар корхоналарининг асосий воситаларини ҳамда қурилиши тугалланмаган объектларни сотиш, шунингдек, уларни сотишдан тушган пул маблағларини тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига асосан, тақдоран қўйилмоқда:

● 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30/731 ZDF (транзит рақами 14 С 6114) бўлган, «ГБ СЛР Nexia» русумли.

Бошлангич баҳоси — 28 191 000 сўм.

● 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 75/530 БАА (транзит рақами 19 А 4963) бўлган, «Nexia» русумли.

Бошлангич баҳоси — 27 041 000 сўм.

Автотранспорт воситалари олди-сотиш шартномаси асосида сотилади. Олди-сотиш шартномаси аукцион савдоси натижалари имзоланган санадан бошлаб беш кун мобайнида тузилиши шарт. Тўлов олди-сотиш шартномаси

имзоланган санадан бошлаб беш кун мобайнида 100 фоиз тўланиши зарур. Автотранспорт воситалари Тошкент шаҳри, Туркистон кўчаси, 8-«А» уйда сақланмоқда. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойида танишиш мумкин.

Хўрматли талабгорлар!

Юқорида қайд этилган автотранспорт воситалари ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларни сотиш бўйича тақдорий аукцион савдоси 2018 йил 23 август кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдога бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар автотранспорт воситаси бошлангич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини савдо ташкилотчиси — «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО: 01018, СТИР: 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-й. Телефон: (0-371) 250-95-96.

Гувоҳнома № 006388.

Micros® POS-СИСТЕМЫ И АВТОМАТИЗАЦИЯ

- ✓ Торговые точки (магазины/супермаркеты)
- ✓ Бутики, непродовольственная розница
- ✓ Рестораны, кафе, бары
- ✓ Фитнес-клубы, бильярдные, боулинги и т. д.

+ ЛИЦЕНЗИОННОЕ ПРОГРАММНОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ

ATON Microinvest аўтоматизация

✓ СВОЕВРЕМЕННАЯ ПОСТАВКА / АВТОМАТИЗАЦИЯ ПОД КЛЮЧ

(+99871) 200-34-34 (доп. 18)

www.micros.uz

scales@micros.uz

info@micros.uz

Товар сертифицирован Услуги лицензированы



Ушбу жойда СИЗНИНГ рекламаниз бўлиши мумкин эди! Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: (0-371) 232-11-15, 232-10-63. E-mail: reklama@xs.uz

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 745. 78 621 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юзаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонлар (0-371) 232-11-15.



Тахриратга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзаси берилиши учун олуни расмийлаштирган ташкилот жаовбар.
Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров. Навбатчи — Д. Каримов. Мусахҳх — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.05 Тошпирилди — 01.30 1 2 3 4 5 6